ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ АКТИВЛАРИНИ
БОШҚАРИШ АГЕНТЛИГИ

# Давлат активларини бошқариш агентлигининг property.davaktiv.uz ахборот тизимига маълумотларни жойлаштириш бўйича ЙЎРИҚНОМА

**Кириш – тизимга кириш:**

**https://property.davaktiv.uz сайтига кирилади ва ташкилотингизни электрон рақамли имзосини танлайсиз ва кириш тугмасини босинг.**

*Агар электрон рақамли имзо кўринмаса, компютерингизда E-IMZO дастури ўрнатилмаган. Ўрнатиш учун линк - https://e-imzo.uz*




**Маълумотларни киритишда юзага келган саволлар бўйича telegram гурух**

**https://t.me/propertydavaktivuz**

**Ҳар бир босқичда маълумотларни тўлдириш бўйича тушунтиришлар мавжуд.**







## 1. Бўлим - Ҳисобот даври тўғрисидаги маълумотлар:

Бу бўлимда маълумотларни киритиш ҳисобот даври танланади.




## 2. Бўлим – Маълумот киритувчи давлат ташкилоти тўғрисидаги маълумотлар:

Бу бўлимда маълумот киритувчи давлат корхонаси ёки муассаси ушбу ташкилот ҳақидаги маълумотларни киритади.

Яъни бўлимда кўрсатилган барча кўрсаткичлар маълумот киритувчи давлат корхонаси ёки муассасига тегишли бўлиши лозим.




**3. Бўлим – Маълумот киритувчи давлат ташкилоти таркибидаги давлат иштирокидаги ташкилотлар тўғрисидаги маълумотлар:**

Бу бўлимда маълумот киритувчи давлат корхонаси ёки муассаси таъсисчи ва/ёки иштирокчи (жамият устав капиталида) бўлган корхона ва ташкилотлар (АЖ, МЧЖ, ДУК, УК, муассаса, ШК) ҳақидаги маълумотларни киритади.

Яъни бўлимда кўрсатилган барча кўрсаткичлар маълумот киритувчи давлат корхонаси ёки муассаси таъсисчилигида ташкил этилган бўлиши ва/ёки устав фондида маълумот киритувчи давлат корхонаси ёки муассасаси улуши мавжуд бўлиши лозим.






## 4. Бўлим – Маълумот киритувчи давлат ташкилоти балансидаги давлат кўчмас мулки объектлари тўғрисидаги маълумотлар:

Бу бўлимда маълумот киритувчи давлат корхонаси ёки муассасига бириктирилган (оператив бошқарув, хўжалик бошқарув, текин фойдаланиш) давлат кўчмас мулки объектлари тўғрисидаги маълумотлар киритади.

Бунда давлат корхонаси ва муассасасига бириктирилган ҳар бир давлат кўчмас мулкий мажмуа (объектлар литерлари) алоҳида кўрсатилиши лозим.

Барча мулкий мажмуа (объект)ларингизни (ҳаммасини) қўшиш тугмаси орқали қўшиб чиқинг (агар мавжуд бўлса)!

Бино, иншоот (литер)лар мавжуд бўлса киритилиши шарт, агар мавжуд бўлмаса, киритган кўчмас мулкингизнинг маълумотлари литерга киритилади (Литер (бино,иншоот) қўшиш устунидаги + тугмаси орқали киритилади)

Мулкий мажмуа (объект) қўшган бўлсангиз литер ҳам қўшиш мажбуриш бўлиб, агар киритилмаса кейинги бўсқичга ўтолмайсиз.






**4.1. Бўлим – маълумот киритувчи давлат корхонаси ёки муассасига бириктирилган ҳар бир давлат кўчмас мулкий мажмуанинг литерлари тўғрисидаги маълумотлар:**

Бу бўлимда маълумот киритувчи давлат корхонаси ёки муассасига бириктирилган ҳар бир давлат кўчмас мулкий мажмуанинг литерлари тўғрисидаги маълумотлар киритади.

Бунда давлат корхонаси ва муассасасига бириктирилган ҳар бир давлат кўчмас мулкий мажмуа литерлари алоҳида кўрсатилиши лозим



**5. Бўлим – Охирги ҳисобот даврида маълумот киритувчи давлат ташкилоти ҳисобига олинган давлат кўчмас мулки объектлари тўғрисидаги маълумотлар:**

Бу бўлимда маълумот киритувчи давлат корхонаси ёки муассасига оҳирги ҳисобот даврида бириктирилган (оператив бошқарув, хўжалик бошқарув, текин фойдаланиш) давлат кўчмас мулки объектлари тўғрисидаги маълумотлар киритади.

Бунда давлат корхонаси ва муассасасига бириктирилган ҳар бир объект алоҳида кўрсатилиши ва уларни бириктирилганлиги тўғрисидаги ҳужжат (Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори, Ҳукумат қарори, маҳаллий ҳокимлик органлари қарори ва ҳ.к.) аниқ кўрсатилиши лозим.




**6. Бўлим – Охирги ҳисобот даврида маълумот киритувчи давлат ташкилоти ҳисобидан чиқарилган давлат кўчмас мулки объектлари тўғрисидаги маълумотлар:**

Бу бўлимда оҳирги ҳисобот даврида маълумот киритувчи давлат корхонаси ёки муассаси ҳисобидан чиқарилган давлат кўчмас мулки объектлари тўғрисидаги маълумотлар киритади.

Бунда давлат корхонаси ва муассасаси ҳисобидан чиқарилган объект алоҳида кўрсатилиши ва уларни ҳисобдан чиқарилганлиги тўғрисидаги хужжат (Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори, Ҳукумат қарори, маҳаллий ҳокимлик органлари қарори ва ҳ.к.) аниқ кўрсатилиши лозим.



## 7. Бўлим – Маълумот киритувчи давлат ташкилотининг қурилиши тугалланмаган кўчмас мулки объектлари тўғрисидаги маълумотлар:

Бу бўлимда маълумот киритувчи давлат корхонаси ёки муассасига бириктирилган қурилиши тугалланмаган кўчмас мулки объектлари тўғрисидаги маълумотлар киритади.

Бунда давлат корхонаси ва муассасасига бириктирилган ҳар бир қурилиши тугалланмаган кўчмас мулкий объектлари алоҳида кўрсатилиши лозим.




## 8. Бўлим – Маълумот киритувчи давлат ташкилоти ҳисобидаги автомототранспорт воситалари тўғрисидаги маълумотлар:

Бу бўлимда маълумот киритувчи давлат корхонаси ёки муассасига бириктирилган автотранспорт воситалари, автомобил йўли (агар мавжуд бўлса) ва интеллектуал мулк объектлари тўғрисидаги маълумотлар киритади.

Бунда давлат корхонаси ва муассасаси ҳисобидаги ҳар бир автомототранспорт воситалари, автомобил йўли (агар мавжуд бўлса) ва интеллектуал мулк объектлари тўғрисидаги барча маълумотлар киритилиши лозим.



# 9. Бўлим – Ҳисобот маълумотларини юбориш:

Киритилган барча маълумотларни текшириб чиқинг ва ташкилотингизнинг электрон рақамли имзосини (ЭРИ) танлаб юбориш тугмасини босинг.

Бунда киритилган маълумотлар юборилгандан сўнг, ўзгартириш киритишнинг имконияти бўлмайди.

